АО «TOSHNEFTEGAZQURILISH»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

01- ЯНВАР 2024 ЙИЛДАН 31-ДЕКАБР 2024 ЙИЛГАЧА БУЛГАН ДАВРДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАРИНИНГ ХОЛАТИ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН ЙИҒМА

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

А У Д И Т О Р Л И К Х И С О Б О Т И

I. КИРИШ КИСМИ:

Акциядорлик жамияти реквизитлари:

Жамиятнинг тулик номи:	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» акциядорлик жамияти
Юридик манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Қатортор кўчаси 2А уй.
Банк реквизитлари:	Тошкент шахар "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ Тошкент Вилоят Филиали да 20210000904002197001 асосий хисоб ракамига эга. МФО 00408. ИНН 202737167.
Давлат руйхатидан утган гувохномаси:	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахар Чилонзор тумани давлат хизматлари Маркази томонидан 1999 йил 4 январдаги 08-000938 сонли гувохнома берилган. Статистика хос ракамлари: ОКЭД 42210 КОПФ-153, КТУТ- 17237505
Директор:	Шарипов Бекмурод Бахронович. 22.11.2018 йилдан бугунги кунгача
Бош хисобчи:	Холиқов Музаффар Дилмуродович 23.22.2018 йилдан бугунги кунгача
Асосий фаолият тури	Ёқилғи-энергетика мажмуаси ишлаб чиқариш қувватларини (магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, сув ўтказгичлар ва х.к.), ишлаб чиқариш-фуқаролик қурилиш ва давлат буюртмаси ижтимоий сохасини объектларини ишга тушириш

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи	МЧЖ шаклидаги «TRUST AUDIT PLUS» Аудиторлик Ташкилоти.
Юридик манзили ва телефон ракамлари	Тошкент шахри, Бектемир тумани, Ийкота МФЙ Зиёлилар кўчаси 76-уй. Телефон: +99899-870-99-00,
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Тошкент шахар Бектемир туман давлат хизматлари маркази томонидан 2024 йил 09 август куни №2542998 реестр билан рўйхатдан ўтказилган, ИФУТ- 69202, ТХШ-152, ДБИБТ 79994.
Аудиторлик фаолияти лицензияси	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги томонидан 2024-йилнинг 21-августида Аудиторлик ташкилоти сифатида рўйхатга олинган.
Банк реквизити	Хисоб раками: 20208000907124744001, Тошкент шахар «TRASTBANK» ХАБ бош офиси, МФО: 00491.
СТИР	311537109
ОКЭД	69202
Аудиторлик ташкилоти раҳбари	Каримов Умидбек Жуманазарович, Аудитор малака сертификати: № 06382-сонли 2024-йил 02-июнда берилган.
Аудитор	Атаев Неъматжон Полвонназарович, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар имтихон маркази томонидан 2025 йил 18 майда берилган №06551 - сонли аудитор малака сертификатига эга.
Шартнома рақами ва Санаси	№01/029 27.05.2025 йил

Аудиторлик текшируви метологияси ва умумий характеристика:

Ушбу хисобот АО «TOSHNEFTEGAZQURILISH» акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага асосан жамиятнинг 01.01.2024 йилдан 31.12.2024 йилгача булган даврда молиявий хужалик фаолияти юзасидан тузилган молиявий хисоботлари, хамда бухгалтерия хисоби ва у билан боглик бошка молиявий хужжатларини аудиторлик текширувидан утказиш якуни буйича тузилди.

Молиявий хисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти жамият рахбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз утказилган аудиторлик текшируви асосида ушбу молиявий хужжатлар конунийлиги юзасидан тугри хулоса чикариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа буйича утказилди.

Аудиторлик текшируви учун асос булиб, куйидагилар хисобланади:

-25.02.2021 йилдаги Узбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конуни (янги тахрир);

-Солик ва мажбурий туловлар хисобланиши буйича Узбекистан Республикасининг амалдаги норматив хукукий хужжатлари.

Аудиторлик хисоботи буйича аникланган маълумотлар махфий хисобланиб, маълумотларни сир сакланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар хисобланади.

Узбекистон Республикаси №9 сонли «мухимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудит миллий стандартига асосан Жамиятнинг молиявий хисоботларига асосан жиддийлик даражасининг энг макбул микдорини аникланди. Аудиторлик хулосасини тайерлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида мазкур стандарт талаблари аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар хисобланади.

Жиддийлик даражасини аниклаш *(минг сум)*

Асосий курсаткичлар	**Сумма, минг сум**	**%**	**Жиддийлик даражасини аниклаш учун микдорлар**
Солик тулагунга кадар булган фойда	327386	10	32738,6
Асосий фаолиятнинг даромадлари	5940894	7	415862,58
Хусусий капитал (Соф активлар)	652715	10	65271,5
Жами активлар	16659745	7	1166182,15
Танланган жиддийлик даражаси жами	**X**	**x**	**1680054,83**
Аудит учун танланган аниклик даражаси:			
Жиддийлик даражасини аниклаш учун олинган курсаткичлар сони	X	x	4
Жиддийлик даражаси (Танланган жиддийлик даражаси жами/ курсаткичлар сони)	**X**	**x**	**420013,71**

Жамиятнинг 2024 йил якуни буйича тузилган молиявий хисоботлари микдорий ва сифат курсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг микдори 420013,71 минг сўм хисобланди.

Жамиятнинг хукукий асослари, тузилиши.

«TOSHNEFTEGAZQURILISH» акциядорлик жамияти (Кейинги матнларда жамият деб юритилади) фаолиятини Жамият Устави, Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Реслублакасининг "Акциядорлак жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" ги қонуни ва Ўзбекистон Республакасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.1998 йилдаги ПФ-2154-сонли "Ўзбекнефтгаз" нефт ва газ саноати миллий корпорациясини ўзгартириш тўғрисида "ги Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.12.1998 йилдаги 523- сонли "«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги қарори ва ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг 05.07.1999 йилдаги 128к-ПО сонли буйруғига мувофиқ "TOSHNEFTEGAZQURILISH" акциядорлик жамияти қайта рўйхатдан ўтказилган ва тасдиқланган.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПД-446-сонли Қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 29 июлдаги 339-Ф-сонли фармойишига биноан "TOSHNEFTEGAZQURILISH" акциядорлик жамияти "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг "Ўзнефтгазкурилишинвест" акциядорлик жамиятининг таркибий булинмаси булган.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 июлдаги ПК.-4388 Қарорига биноан "TOSHNEFTEGAZQURILISH" акциядорлик жамияти "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти таркибидан чиқарилган.

«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖнинг 2021 йил 25 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилиш баёни билан тасдиқланган устави янги тахрири 2021 йил 15 июлда Тошкент шахар Чилонзор тумани Давлат хизматлари марказидан қайта рўйхатга олинган.

Корхона солиқ тўловчи юридик шахс сифатида Чилонзор туман давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган бўлиб, унга 202737167 - сонли идентификацион рақами берилган.

Жамиятнинг фаолият турлари куйдагилардан иборат:

- ёқилғи-энергетика мажмуаси ишлаб чиқариш қувватларини (магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, сув ўтказгичлар ва х.к.), ишлаб чиқариш-фуқаролик қурилиш ва давлат буюртмаси ижтимоий сохасини объектларини ишга тушириш;
- бозор механизми шакллари ва услубларини такомиллаштириш хамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;
- пудрат ишлари бозорини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, давлат буюртмасини шакллантириш улар тузилган шартномалар ва контрактларга биноан бажарилишини таъминлаш, қурилиш сифатини ошириш, ишлаб чиқариш

базасини ривожлантириш, қурилишга илмий-техника тараккиёти ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш.

- Ушбу Низомда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларни амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, устун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Жамиятнинг хуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти.

I. КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик текшируви 2000 йил 26-майда тасдиқланган «Аудиторлик фаолияти туғрисида»-ги қонун талаблари асосида аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари ва аудит текшируви учун тақдим этилган бухгалтерия хужжатлари, ҳисоботларига таянган ҳолда ўтказилди.

Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти бошқарма рахбарияти зиммасига юклатилган. Аудитор вазифаси ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари асосида молиявий хўжалик фаолиятига тегишли хужжатлар юзасидан тўғри хулоса беришдан иборат. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Жамиятнинг ташкил топиши ва фаолиятининг хуқуқий асослари.

«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ таркибига қуйдаги корхоналар киради.

№	Корхоннинг номи (Ўзбекча)	Манзили
1	«Газчитранс» УК (07.08.2024 йилдаги ягона таъсисчи қарорига асосан таъсисчи Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шахар худудий бошқармаси тасарруфига ўтказилган)	Тошкент шаҳри

«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ Ташкент шахрида “ЯГОНА ДАРЧА” маркази томонидан рўйхатдан ўтказилган йўриқнома асосида ўз фаолиятини юритган.

Бошқарма устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга муасис томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

Жамиятнинг устав фондидаги улуши 652715 минг сўм қилиб белгиланган, жорий йил бошқарманинг 2024 йил йил бошига ва йил якунида 8300 устав фондида хисобида 652715 минг сўм қолдиқ кўрсатилган яьни бошқарма устав фонди тўлик шакиллантирилган.

Бошқарманинг муасиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шахар худудий бошқармаси, юридик ва жисмоний шахслар хисобланади.

Бошқарманинг асосий вазифалари- ёқилғи-энергетика мажмуаси ишлаб чиқариш қувватларини (магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, сув ўтказгичлар ва х.к.), ишлаб чиқариш-фуқаролик қурилиш ва давлат буюртмаси ижтимоий сохасини объектларини ишга тушириш;

Бозор механизми шакллари ва услубларини такомиллаштириш хамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

Пудрат ишлари бозорини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, давлат буюртмасини шакллантириш улар тузилган шартномалар ва контрактларга биноан бажарилишини таъминлаш, қурилиш сифатини ошириш, ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, қурилишга илмий-техника тараккиёти ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш.

- Ушбу Низомда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларни амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, устун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Жамиятнинг ҳисоб сиёсати.

«Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси №1 (БХМА-1) талабларига кўра Бошқарманинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект раҳбари тамонидан ишлаб чиқилиб, унинг буйруғи ёки фармойиши билан жорий йил бошида тасдиқланиши ва календарь йили давомида ўзгаришлар киритилмаслиги белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текширувида хисоботларни юритилиши БХМС талаблари асосида умум белгиланган тартибда олиб борилган

Ички назорат тизимининг тавсифи.
Бухгалтерия ҳисоби тизимининг холати.

Бухгалтерияда бухгалтерия ҳисобини юритиш тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ бош ҳисобчи томонидан амалга оширилган. Бухгалтерияда ҳисоб юритишнинг мемориал-ордер шаклидан фойдаланилган.

Бухгалтерия ҳисоб варақлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСда белгиланган ҳисоб варақлар режасига мувофиқ очилган.

Дастлабки танишув натижаларига кўра бухгалтерия боғламалари хар ойлик мемориал ордерларида умумлаштирилиб, уларга зарур бошланғич ҳисоб хужжатлари, жамламалари, ойлик ҳисоботлари бириктириб борилган. Аналитик ҳисоб регистрлари, жадваллар, китоб ва журналлар, айланмалар жамламалари, юритилиб хар ойлик айланамалар, қолдиқлари чиқариб борилган.

Бизнинг фикримизча хўжалик операцияларини расмийлаштиришнинг ўз вақтидалиги тўлиқлиги ва сифатини ўрта даражада баҳолаш мумкин.

Бошқарма томонидан ҳисобот йилида ойлик, чораклик ҳисоботлар ҳамда солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган шаклларда ва муддатларда тузилиб тегишли идораларга тақдим этиб борилган.

Муҳим ахамиятли кўрсаткичлар бўйича йиллик ҳисоботдаги, маълумотлар аналитик ҳисоб регистрлари ва айланма ведомостлари маълумотларига мувофиқ акс эттирилган.

Жамиятда назорат мухитининг ҳолати.

Дастлабки танишув жараёнида бошқарма раҳбарияти томонидан ички назорат тизимини белгилаш ва унинг таъминлашга йуналтирилган амалий харакатлари ва назорат натижаларидан уларнинг хабардорлигини баҳолашга эътибор қаратилди.

Бўлимлар иш фаолиятлари хақидаги маълумотлар бухгалтерияда умумлаштирилиб ташқи ва ички фойдаланувчилар учун зарур ҳисоботлар ва маълумотлар тузилиб тақдим этиб борилади.

Бизнинг фикримизча бошқармада назорат мухитини ҳолатини қониқарли даражада йўлга қўйилган.

Назорат воситаларининг ҳолати.

Бухгалтерияда хужжат айланишининг туғрилиги бу хужжатларда раҳбар ходимларнинг имзолари ва розилик ёзувларининг мавжудлиги ўрганилганда товар моддий бойликларнинг чиқим ҳисобтида раҳбар имзолари билан тасдиқланган ва бухгалтерияга тақдим этилган, ҳисоботларида раҳбарнинг розилик имзолари тўлиқ қўйилгани аниқланди.

Бухгалтерия бўлими томонидан бошланғич хужжатлардаги ёзувларни ва ҳисоб китобларни арифметик туғрилиги назорат қилиб борилган.

Бошқарма рахбарияти томонидан моддий жавобгар шахслар рўйхатлари, ишонч хати олишга рухсат этилган ходимлар рўйхати, моддий жавобгарлик тўғрисидага шартномаларни хар йили янгилаб, тасдиқлаш масалаларига жиддий эътибор талаб этилади.

Бошқармада ишонч коғозларини, ҳисоб-варақ фактураларни, буйруқларни, меҳнат ва моддий жавобгарлик шартномаларнининг ҳисобини олиб борилган.

Бизнинг фикримизча бошқармада назорат ишлари қўлланиши ўртача даражада ташкил этилган деб баҳолаш мумкин.

Умуман олганда бошқарма микёсида ички назорат тизими ўртача даражада ташкил этилган бўлиб аудиторлик текширишларни режалаштиришда ҳисобга олинди.

II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар ҳисобининг таҳлили.

Бошқармада асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия янги ҳисоб вараклар режасининг “0110-0190-асосий воситалар” ҳисоб варағида юритиб келинган.

Бошқарма томонидан 2024 йил учун тузилган молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия балансида 2024 йил 01-январ ҳолати бўйича асосий воситаларнинг дастлабки қиймати 2129252 минг сўмни, эскириш қиймати 1850441 минг сўмни ва қолдиқ қиймати 278811 минг сўмни ташкил этаган.

Асосий воситаларнинг 2024 йил 31 декабрга бошлағич қиймати 1989618 минг сўмга, эскириш қиймати 1831036 минг сўмга ва қолдиқ қиймати 158582 минг сўмни ташкил қилган.

Бошқарма тизимидаги корхоналар кесими бўйича асосий воситаларнинг бошланғич қолдиғи қуйдагича бўлган.

(Минг сўм)

№	Корхона номи	01.01.2024 йилга қолдиқ	31.12.2024 йил холатига эскириш	2024 йил 31-декабр холатига қолдиқ
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	1989618	1831036	158582

Аудит текширувига тақдим қилинган маълумотларга асосан асосий воситаларни қайта баҳолашдан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Иш хақи хисоботи бўйича:

Бошқарма тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ҳафталик иш кунлари штат жадвалидаги ишчи хизматчиларга 5 кунлик ва смена бўйича ишловчи ишчи хизматчиларга 6

кунлик иш кун белгиланган ва шунга асосан бошқарув ва ишчи ходимларга табель асосида штат жадвали бўйича асосий иш хаки дастурида ҳисоблаб борилган.

Бошқарманинг йил бошига иш хаққи ва бошқа хисоблашишлардан 129818 минг сўм ва йил охирига меҳнатга ҳақ тўлашдан бўлган қарздорлик 214613 минг сўмни ташкил қилган.

Иш ҳақидан бўлган қарздорликни таҳлил қилиб кўрилганда бухгалтерия балансида кўрсатилган маълумотлар билан мос эканлиги аниқланди.

Бошқарма тизимидаги корхоналарда ўтказилган аудиторлик текширувларда ишчи-ходимларга иш ҳақи бошқарма томонидан тасдиқлаб берилган штат жадвали асосида ҳисобланган. Иш ҳақидан даромад солиғи ушлаб борилган.

Бошқармада йил бошига иш ҳақидан қарздорлик баланс (сатр-720) да 129818 минг сўм, йил охирига балансда (код-720) 214613 минг сўм кўрсатилган. Иш хақи бўйича хисоботларни 2024 йил даврини хар бир ойи бўйича қайта тахил қилиниб хисоботларда ўзгаришлар бўлса, иш хақи хисоботини ва солиқ хисоботларини қайта ишлашни бош хисобчи зиммасида қолдираман.

Тавсия:

Иқтисодчи тамонидан ойлик ҳисоботлар бўйича сарф харажатларни режадаги сарф харажатлардан ортиб кетмаслиги учун хар чорак якуни давомида тахлил қилиб олдинги чораклардаги ортиқча сарф харажатлар йил якунида меъёр даражасида сарфланиши учун тадбир ишлаб чиқилиб ушбу тадбир асосида иш олиб бориш. Иш хақидан бўлган ушламаларни қайта тахлил қилиб чиқиш.

Касса операциялари бўйича.

Аудиторлик текшируви давомида жамиятда 2024 йил давомида касса операциялари амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Бошқарманинг банкдаги жорий ва махсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг аудити.

Бошқарманинг банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб китоблар Ўзекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан руйхатга олинган «Ўзекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида»ги Низом талаблари асосида юритилган.

Бошқарма тизимидаги корхоналар бухгалтерияси томонидан банкдаги жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг ҳисоби 5110 ҳисоб варакларда, махсус рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби эса 5530-5610 ҳисоб варақларда банкдан олинган кўчирмалар билан узвий боғлиқ ҳолда юритиб борилган.

(минг сўмда)

№	Корхона номи	01.01.2024 йилга қолдиқ	31.12.2024 йилга қолдиқ	Фарқи Кўп +, Кам -.+
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	191	2178	1987
2	«Газчитранс» УК (07.08.2024 йилдаги ягона таъсисчи қарорига асосан таъсисчи Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шахар худудий бошқармаси тасарруфига ўтказилган)	0	0	0
	ЖАМИ	**191**	**2178**	
	Бошқарма томонидан консолидацияланган баланс	**191**	**2178**	
	Бошқарма томонидан консолидацияланган баланс фарқи	**0**	**0**	

Банкдан тақдим қилинган хисоб рақамидаги пул маблағларининг кирим чиқими тўғрисидаги кўчирмалар асосида хар ой давомида ҳар бир ҳисоб варақ бўйича алоҳида ҳисоботлар юритилиб бухгалтерия праводкалари берилиб борилган.

Ҳисоботлар бўйича банкдаги ҳисоб рақамларида йил бошида 191 минг сўм қолдиқ қолган, йил якуни балансининг код-340 да 2178 минг сўм кўрсатилган.

Бошқарма тизимидаги корхоналарнинг бухгалтерия балансининг ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари сатрида кўрсатилган қолдиқларни жамлаб, таҳлил қилиб кўрилганда йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиқлар тўғри эканлиги аниқланди.

Дебетор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.

Бошқарма бухгалтерияси томонида дебетор ва кредиторлар билан ҳисоблашувларни амалга ошириш учун 4730,4890,6010,6110-6120,6970,6990-ҳисоб варақлар белгиланган тартибда юритиб борилган.

Жамиятда Дебиторлик ва Кредиторлик қарзлар 2024 йилда қуйдагича бўлган:

(минг сўмда)

№	Корхона номи	Дебиторлар			Кредиторлар		
		01.01.2024 йилга	31.12.2024 йилга	Фарқи кўп+, кам-.	01.01.2024 йилга	31.12.2024 йилга	Фарқи кўп+, кам-.
	Тошнефтегазкурилиш АЖ	20777813	16085057	4692756	13042886	10023231	3019655

Бошқарма бухгалтерияси томонидан тузилган бухгалтерия балансида кўрсатилган дебитор ва кредитор қарзларни тўғрилигини корхоналар кесимидаги дебитор ва кредитор қарзларни жамлаб, таққослаб кўрилганда фарқ борлиги аниқланмади.

Тавсия : *1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тулиқ амал қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни хар чорак давомида таҳлил қилиб бориш дебитор қарздорликлари бор бўлган ташкилотлар билан солиштирма дололатномалар тузиб бориш ва муддати ўтган дебиторлик ва кредиторликлар ҳосил қилмаслик.*

Товар моддий захираларини ҳисоби.

Бошқарма томонидан товар–моддий захиралар ҳисобини бухгалтерия ҳисоб режасининг 1010-1090,2810,2910 ҳисоб варақларда юритиб келинган.

Бошқармада хизмат кўрсатиш узлуксизлиги ва муомала харажатлари учун зарур бўлган модддий бойликлар ҳисобдор шахслар зиммаларига кирим қилиб келинган.

Бошқармага олинган барча хом ашё, материал, бутлов қисмлар, инвентар жихозлар, марказий омборга кирим қилиниб, сунгра ишлаб чиқариш ва даврий харажатлари учун сарфланган.

Ҳисобдорлар томонидан ҳисобот ойи якуни бўйича моддий бойликларни харакати юзасидан ҳисоботлар тузиб топширилган. Марказий омбор мудири хисоботи ва бошқада хисобдор шахсларнинг бухгалтерияга тақдим қилинган, ҳисоботлари тахлил қилинганда яъни: ойлик ҳисоботларнинг айримларида товар моддий бойликларнинг марказий омбордан чиқим қилиниши ва ишлаб чиқаришга сарфланишида рахбар ва мансабдор ходимлар томонидан тўлиқ тасдиқлангани маълум бўлди.

2024 йил бошида ва йил охирида Ишлаб чиқариш захиралари қолдиқлари қуйдагича бўлган:

(минг сўмда)

№	Корхона номи	Ишлаб чиқариш захиралари		
		01.01.2024 йилга колдик	31.12.2024 йилга колдик	Фарқи кўп+, кам-.
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	2291	2029	262

Жамият томонидан хисобот йили давомида 51865 минг сўм материаллар кирим қилиниб, йил давомида 52128 минг сўмлик материаллар хисобдан чиқарилган. Солиқ органига топширилган бухгалтерия баланси ва аудиторлик текширувига тақдим қилинган бухгалтерия маълумотлари ўзаро таққосланганда хеч қандай фарқлар аниқланмади.

Даврий ва молиявий харажатлар ҳисоби.

Бошқарма томонидан давр харажатлари бухгалтерия ҳисоб вараклар режасининг 9420,9430 ҳисоб варакларидан фойдаланган холда юритиб келинган.

Бошқарма томонидан 2024 йил молиявий натижалар хисоботида маъмурий харажатлар 1251433 минг сўм, бошқа операцион харажатлар 987881 минг сўм, жами давр харажатлари 2239314 минг сўм хажмида, ҳисобланган.

Шунингдек текшириш давомида, солиқлар бўйича бошқа давр харажатлари таркибига олиниб ҳисоботга киритилиши ҳисобига бошка операцион харажатлар қийматининг ҳисоботга тавсиялар берилди ва молиявий натижаларни шакллантиришда ҳисобга олиниши кўрсатилди.

Бошқарма фаолиятининг молиявий натижалари.

№	Корхона номи	Сотиш соф туш 10-сатр	Сотилган мах. Таннархи 20- сатр	Махсул сотиш ялпи фойд (зарар) 30-сатр	Давр хараж жами 40-сатр	Сотиш харажатлари 50-сатр
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	5940894	3435209	2505685	2239314	0

Давоми

№	Корхона номи	Маъмур хараж 60-сатр	Бошка опер хараж 70-сатр	Асосий фаолия бошк даром 90-сатр	Асосий фаолият фойдаси +, зарари- 100-сатр	Молиявий фаолият даромад 110-сатр	Дивидендлар шаклидаги даромадлар 120-сатр
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	1251433	987881	61015	327386	0	0

Давоми

№	Корхона номи	Молиявий фаолият бўйича харажатлар 170-сатр	Фоизлар шаклидаги харажатлар 180-сатр	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) 220-сатр	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) 240-сатр	Фойда солиғи 250-сатр	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) 270-сатр
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	0	0	327386	327386	86422	240964

Бошқарма томонидан 2024 йил учун тузилган йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таққослаб кўрилганда хеч қандай фарқ суммалар аниқланмади.

Ўз маблағлари манбалари ҳисоби

Бошқарманинг 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи счёт» ҳисобида 2024 йил боши 652715 минг сўм бўлган ва йиллик якуни бўйича ўзгаришсиз қолдиқ бўлган.

(минг сўм)

№	Корхона номи	Устав фонди			Резерв капитали			
		01.01.2024	31.12.2024	Фарқи кўп+, кам-	01.01.2024	01.01.2024 га кайта бахолашдан кейин	31.12.2024	Фарқи кўп+, кам-
1	«TOSHNEFTEGAZQURILISH» АЖ	652715	652715	0	728289	728289	708580	19709

Бошқарма томонидан тузилган балансининг устав фонди бўйича йил бошига бўлган 652715 минг сўм, Резерв капитал бўйича 728289 минг сўм бўлиб, йил охирига устав фонди бўйича хеч қандай ўзгариш бўлмаган, резерв капитали бўйича хисобдан чиқарилган асосий воситалар хисобига 19709 минг сўм камайиш мавжудлиги аниқланди.

Ягона ижтимоий тўлов хисоблаш.

Ягона ижтимоий тўлов хисоблаш солик кодексининг XV булим, 51-боб, 305-311 моддалари асосида хисобланадиган базадан келиб чикиб, хамда белгиланган ставкадан келиб чиккан холда хисобланди.

Солик солинадиган база солик кодексининг 371-моддасига мувофик туланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.

(минг сўмда)

Курсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тулов		
		Хисоботта	Аудитта	Фарқи + -
Мехнатга хақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзб. Республикаси СҚнинг 371-моддаси)	010	1 166 030	1 166 030	-
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар	012	0	0	-
Ягона ижтимоий тўлов хисобланмайдиган тулов турлари	020	0	0	-
Солик солинадиган база:	040	1 166 030	1 166 030	-
Ягона ижтимоий тўлов бадаллар ставкаси, %	050	12%	12%	
Ҳисобот даврида ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов	060	139 923	139 923	-

Аудиторлик текширувига тақдим қилинган 1С дастури маълумотлари ва солиқ хисоботлари ўрганилганда хеч фарқ аниқланмади.

Корхонада ишловчи ходимлар даромадидан даромад солиғи ҳисобланиши.

Корхонада ишловчи ходимлар даромадидан Солиқ Кодексининг VI булим 167-188 моддалари асосида даромад солиги ҳисобланиши аудиторлик текширувидан ўтказилди. корхонада ишчи ходимлар иш хақидан даромад солиғи тўғри ҳисобланиши текширишдан ўтказилганда камчиликлар аникланмади.

(минг сўмда)

Т/Р	Тўловлар турлари	ДСИ га тақдим қилинган хисобот	Аудит текширувида аниқланган маълумот 1С бўйича	ФАРКИ (+/-)
1	Хисобланган иш хаққи	1 166 030	1 166 030	-
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар	0	0	-
3	Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари	0	0	-
4	Солиқ базаси	1 166 030	1 166 030	-
5	Хисобланган даромад солиғи	139 923	139 923	-
	шундан ШЖБПҲ	1 128	1 128	-

Аудиторлик текширувига тақдим қилинган 1С дастури маълумотлари ва солиқ хисоботлари ўрганилганда хеч фарқ аниқланмади.

Бошқарманинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Бошқарманинг асосий иқтисодий курсаткичлари Адлия Вазирлигидан 14.04.2005 йилда № 1469 рўйхатга олинган жамиятларнинг иқтисодий тўлов қобилятини назорат қилиш қумитасининг 16.03.2005 йилдаги № ГС-05.0271/1 «молиявий хужалик фаолиятини тахлил қилиш ва мониторинг ўтказиш хақида»ги йурикномасига асосан аниқланди.

Балансннинг қопланиш коэфициенти - Жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати. Ушбу курсаткич 1,25 дан паст бўлган холатларда жамиятнинг тўлов қобиляти пастлигидан далолат беради.

Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – молиявий барқарорликни таъминлаш учун шахсий оборот билан таъминланганлик кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0.2 дан паст бўлса оборот маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

Коэффицентлар	Курсаткичлар ҳисоби	31.12.2024 й холатига	Курсаткичлар характеристикаси
Балансннинг копланиш коэфициенти	А2 / П2-ДО	1,6	1.25 тўлов қобилиятига эга
Оборот маблаглари билан таъминланганлик коэффициенти (молиявий баркарорлик)	П1+Дзк2-А1 / А2	0,38	0,2 оборот маблағлари билан таъминланган
Шахсий маблагларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коэффициенти	П1 / П2-ДО	0,66	>1 қисқа муддатли жорий мажбуриятларни кайтариш кобиляти юқори
Рентабеллик даражаси коэффициенти	Фойда солиги ҳисоб- лангунча фойда харажатлар	0,02	>0.05 паст рентабеллик

Бошқарманинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда жамиятнинг, қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш паст, оборот маблағлари билан таъминланган ва балансннинг копланиш коэффиценти хам меъёрдан ўрта даражада бўлганлиги, рентабеллик даражаси паст булганлиги аниқланди.

Текшириш якуни бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар.

-Хисоботларни Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган “ХИСОБ СИЁСАТИ”нинг барча бандларига амал қилган холда бухгалтерия хисоботини юритиш.

-Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги моддий қийматликлар БХМСга асосан ғазна бир ойда бир маротаба, барча турдаги материаллар, қатъий турдаги бланкалар ва балансдан ташқаридаги товарларга бир йилда бир маротаба инвентаризациядан ўтказиш ва инвентаризация натижасини аниқлаб бориш ва дебиторлик қарзларни тўлов муддати ўтишига йул қуймаслик.

-Бошқарманинг ҳисоб сиёсатини юридик хужжат сифатида расмийлаштириган бухгалтерия ҳисобини юритиш, товар моддий қийматларини баҳолаш, уларни харажатга чиқариш, хисобдан чиқарилишида БХМС ва хисоб сиёсатига тўла амал қилиш.

-Ҳисобчилар ва бошқа моддий жавобгарларнинг мажбуриятлари бўйича хисоботларини хисоб сиёсатига амал қилинишини тахлил қилиб бориш.

-Шартнома бўлими тузилган шартномаларнинг хисоботини юритиш, шартномаларга юридик хулосалар бериш ва шартномалар шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

-Харажат ва даромадларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Махсулот ишлаб чиқариш ва сотишдаги харажатлар тартиби хамда Молиявий натижаларни шакллантириш туғрисидаги Низом, солиқларни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси талабларига тўла амал қилиш.

-Бошқарма фаолиятига тегишли барча хўжалик операцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Вазирликлар ва идоралар томонидан амалга киритилган меъёрий хужжатлар тўпламидан фойдаланилган ҳолда, ҳамда 1996 йил 30 август кунги қабул қилинган Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунига 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404 сонли қарорига асосланган ҳолда бухгалтерия ҳисобини халқаро ва миллий андозаларига мос юритиш.

-Хисоботларда аниқланган камчиликларни тўғирлаб бартараф этиш чораларини кўриш.

МЧЖ “TRUST AUDIT PLUS” АТ
ДИРЕКТОРИ: У.КАРИМОВ